



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ


E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 13 сентябрь, № 178 (6108)

Шанба

## ШҲТНИНГ ДУШАНБЕ САММИТИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11-12 сентябрь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги саммитида иштирок этди.



ЗАСЕДАНИЕ СОВЕТА ГЛАВ ГОСУДАРСТВ ЧЛЕНОВ ШАНХАЙСКОЙ ОРГАНИЗАЦИИ СОТРУДНИЧЕСТВА ДУШАНБЕ - 2014

上海合作组织成员国元首理事会会议 杜尚别市 - 2014

Давлатимиз раҳбари Тожикистон пойтахтида 11 сентябрь куни ШҲТ саммити доирасида Эрон, Тожикистон ва Россия раҳбарлари билан икки томонлама муҳим музокаралар ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Душанбега ШҲТда кузатувчи мақомига эга бўлган давлат раҳбари сифатида ташриф буюрган Эрон Ислом Республикаси Президенти Ҳасан Руҳоний билан учрашди. Томонлар турли соҳалардаги ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини муҳокама қилиб, ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашдилар.

Президентлар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни изчил ривожлантириш, савдо-иқтисодий соҳада икки томон учун ҳам манфаатли алоқаларни мустақамлаш зарурлигини қайд этдилар.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам давлат раҳбарлари! Хурматли мажлис қатнашчилари! Авваламбор, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари, ШҲТда кузатувчи мақомига эга бўлган давлат раҳбарлари ва мазкур саммитга таклиф этилган меҳмонларга ўзимнинг самимий ҳурматимни изҳор этишга руҳсат бергайсиз. Фурсатдан фойдаланиб, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонга самимий меҳмондўстлик ва бугунги учрашув юсак савияда ташкил этилгани учун миннатдорлик билдирмоқчиман.

Бугун бу ерда давлат раҳбарлари томонидан ШҲТнинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти юзасидан билдирилган фикрларга қўшилиман. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти нисбатан қисқа даврда жаҳон сиёсатида муҳим ўрин тутаётган нуфузли халқаро тузилмага айланди, деб айтишга барча асосларимиз бор. Кейинги вақтда, дунёнинг турли жойларида қарама-қаршилик ва кескинликлар кучайиб бораётган бир шароитда ташкилотга аъзо мамлакатлар, шунингдек, кузатувчи давлатларнинг биргаликдаги сазй-ҳаракатлари билан минтақада тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, терроризм, сепаратизм, экстремизм, наркотрафик ҳамда бошқа хавф-хатар ва таҳдидларга қарши

курашиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилди.

ШҲТнинг Миллий координаторлар кенгаши, Хавфсизлик котиблари ва экспертлар кенгаши даражасида амалга оширилаётган улкан ишларни ҳам алоҳида қайд этишни истардим.

Муҳтарам давлат раҳбарлари! Имкониятдан фойдаланиб, куйдаги масалаларга қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бугун Афғонистонда юзага келаётган вазият сурункали беқарорлик хусусияти ва янада кескин тус олиш тенденциясига эга. Шунини ишонч билан айтиш мумкинки, афғон муаммосини бартараф этишдан манфаатдор бўлган барча томонлар бир масалада яқдидир, яъни Афғонистонда ҳарбий йўл билан тинчликка эришиб бўлмайди.

Афғонистонда уруш йилларида тинч ҳаёт ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлмаган бутун бир авлод вояга етди. Жорий йилнинг июнь ойида Афғонистонда ўтказилган президент сайлови шуну кўрсатдики, афғон халқи тўтовсиз қон тўкиши ва зўравонликдан, кўп йиллик қашшоқлик, вайронгарчиликдан чарчади ва бугунги кунда мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишини, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлишни истайди. Айни пайтда сайловчиларнинг

овозини қайтадан санаш ва Афғонистон президентлигига сайлов натижаларини эълон қилиш ва давлатнинг янги раҳбарининг ўз вазифасини бажаришига расман киришиш жараёни чўзилаётгани мамлакатда келгусида барқарорликка эришиш борасида кучли хавотир уйғотмоқда.

Афғонистонда воқеаларнинг бу тарзда ривожланиши мамлакатда ички сиёсий вазиятни бутунлай издан чиқариши, миллий хавфсизликка ва қарама-қаршиликларни тинч йўл билан ҳал этиш истиқболларига реал хавф солиши, музокаралар жараёнида муросага эришиш, ўзаро курашаётган барча томонлар ва Афғонистондаги миллий-диний гуруҳлар вакилларида ташкил топиши мумкин бўлган коалицион ҳукуматни шакллантиришга ҳалақит бериши мумкин.

Хавфсизликка қўмаклашувчи халқаро кучларнинг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши таҳдидларнинг кучайиши ва беқарорликнинг ўсишига, террористик ва экстремистик фаолиятнинг кенгайишига ҳамда наркотрафик кўламининг нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки ундан узоқ бўлган худудларда ҳам орттишига олиб келишини ўзимизга тасаввур қилишимиз керак.

Бундай вазиятда Афғонистонда юзага келаётган ҳар қандай бўшлиқни

қисқа муддатда турли бузғунчи ва террористик гуруҳлар эгаллаб олиши мумкин.

Оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган бундай шароитда айрим сиёсий кучлар ва уларни қўллаб-қувватлайдиган давлатларнинг Афғонистонда тартибсизликни юзага келтириши ва вазиятни янада чигаллаштиришга уринишларини инкор этиб бўлмайди. **Қисқача айтганда, Ироқдаги бугунги вазият такрорланади.**

Ўзбекистон Афғонистон билан ўзининг барқарор ва дўстона муносабатларини ҳар икки мамлакатнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб ва фақат икки томонлама ҳамкорлик асосида ўрнатмоқда ва бундан кейин ҳам шундай йўл тутайди. Афғон халқининг ўзи сайлайдиган ҳукуматни қўллаб-қувватлайди.

Дунё иқтисодиётида юзага келаётган ахволни таҳлил қилар эканмиз, халқаро молиявий-иқтисодий инқирознинг жиддий оқибатлари ҳали тўлиқ бартараф этилмаган, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.

Ҳеч шубҳасиз, бундай тенденция ШҲТ фаолиятида иштирок этаётган барча мамлакатлардаги вазият ва улардаги ривожланиш суръатларига бевосита ёки биливосита таъсир кўрсатади.

Бундай шароитда ташкилотга аъзо давлатларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш, аниқ амалий натижаларга эришиш учун иқтисодий, инвестициялар ва транспорт коммуникациялари соҳаларида минтақа мамлакатлари манфаатларига жавоб берадиган кенг қўламли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтириш вазифаси алоҳида долзарб аҳамият касб этади.

Ушбу вазифани амалга оширишда Хитой Халқ Республикаси ва унинг Раиси Си Цзиньпин томонидан илгари сурилган «Буюк Ипак йўли бўйлаб иқтисодий коридор» ташкил этиш борасидаги ташаббус муҳим ўрин тутайди, деб ҳисоблаймиз. Мазкур коридор минтақадаги барча мамлакатларнинг узоқ муддатли иқтисодий, айниқса, трансминтақавий транспорт инфратузилмасини ривожлантириш соҳасидаги манфаатларини илгари суршига, нафақат ушбу лойиҳа иштирокчилари, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг геосиёсий ва иқтисодий салоҳиятини сезиларли равишда кучайтиришга қўмаклашади.

Украинадаги муаммони бартараф этиш бўйича ҳам ўз фикр-мулохазаларимизни қисқача баён этишни истардим.

**Биринчи.** Украинадаги муаммони тинч йўл билан ҳал этиш бўйича Минск шаҳрида эришилган келишувларни, Украина ва Россиянинг ушбу масала юзасидан билдирилган таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз.

**Иккинчи.** Ишончим комилки, Ўзбекистон томонидан шу йилнинг 4 мартида Украинадаги қарама-қаршиликка барҳам бериш ва мамлакатда тинчлик ўрнатиш бўйича Украина ва Россия ўртасида **тўғридан-тўғри музокара жараёнини** ўтказиш юзага келган вазиятни ҳал этишнинг энг мақбул ва самарали йўли экани ҳақида билдирилган таклифлар долзарблигича қолмоқда ва бугун ҳам ўз тасдиғини топмоқда.

**Учинчи.** Украинадаги муаммо юзасидан ҳар қандай музокара жараёнида Россиянинг тарихан кўп асрлар давомида шаклланган азалий манфаатлари ҳам эътиборга олиниши даркор.

Ушбу манфаатларни эътиборга олмастик жиддий хато бўлган бўлур эди. Фурсатдан фойдаланиб, Россия Федерацияси Президенти Владимир Владимирович Путинни ШҲТга навбатдаги муддатга раислик билан таъбрик-лаб, ушбу масъулиятли миссияни амалга оширишда муваффақият тилашга ижозат бергайсиз. Эътиборингиз учун ташаккур.

(Давоми 2-бетда).

### Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 24 июлда қабул қилинган Сенат томонидан 2014 йил 28 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги 625-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 260-II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 311-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

### Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2014 йил 12 сентябрь № ЎРҚ-375

### Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида (янги таҳрири)

### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади биржаларнинг ташкил этилиши ва фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

### 2-модда. Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### 3-модда. Биржа

Биржа — олдиндан белгиланган жой ва муайян вақтда, белгиланган қоидалар асосида биржа савдоларини ташкил этувчи юридик шахс.

Биржалар фақат акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил этилади.

Биржаси турида амалга оширади.

Биржанинг фирма номида «биржа» сўзи бўлиши керак. Ушбу Қонун талабларига жавоб бермайдиган юридик шахс ўз фирма номида «биржа» сўзидан, ундан ҳосил бўлган сўзлардан ва сўз бирикмаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Биржалар белгиланган тартибда лицензия олганидан кейин биржа фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини қўлга киритади.

(Давоми 2-бетда).

# ШҲТНИНГ ДУШАНБЕ САММИТИ

(**Давоми. Бошланиши 1-бетда**).

Шу куни Ўзбекистон Президенти Ислom Каримов Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон билан учрашди. Давлат раҳбарлари икки томонлама ҳамкорлик ва минтақа­вий масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Президент Ислom Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан ҳам музокара ўтказди.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик ўзарo ман­фаатдорлик асосида ривожлан­моқда. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил кенгаймоқда.

Ислom Каримов ва Владимир Путин мамлакатларимиз ўртасида мунтазам фикр алмашиш муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этдилар.

12 сентябрь куни ШҲТнинг навбатдаги саммити бўлиб ўтди. ШҲТга аъзо мамлакатлар

Давлат раҳбарлари кенга­шининг тор доирадаги мажлисида Ўзбекистон Президенти Ислom Каримов, Хитой Раиси Си Цзиньпин, Россия Президенти Владимир Путин, Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбаев иштирок этди. Кун тартибига киритилган маса­лаларни кўриб чиқиш ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари,

кузатувчи мақомига эга бўлган давлатлар, қатор халқаро ва мин­тақавий ташкилотлар вакиллари, шунингдек, фахрий меҳмонлар иштирокида ўтган кенгайтирилган мажлисда давом эттирилди.

Президент Ислom Каримов ўз нутқида бугун Афғонистонда юзага келаётган вазият, жаҳон иқтисоди-ётидаги ҳозирги аҳволга тўхталди, шунингдек, Украинадаги муаммони бартараф этишга доир ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

ШҲТга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенга­шининг мажлиси­да ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш, ўзарo савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлан­тириш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлаш истиқболлари ва умумий ман­фаат­га эга бошқа масалалар муҳокама этилди.

Саммит якунида Шанхай ҳам­кор­лик ташкилотига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарларининг Душанбе

декларацияси, ШҲТга аъзо бўлиш истагини билдирган давлатларнинг мажбуриятларига тааллуқли қарор ва бошқа ҳужжатлар имзо­ланди. Шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ҳукуматлари ўртасида халқаро автомобилда юк ташиш бўйича қулай шароитлар яратиш тўғриси­даги шартнома имзо­ланди.

ШҲТ Хартиясига мувофиқ, ташкилотга навбатдаги раислик Россия Федерациясига ўтди.

**Б. ЭРҒАШЕВ,**  
**ЎЗА махсус мухбири.**  
Душанбе — Тошкент

Сарвар УРМОНОВ олган сурат.

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида (янги таҳрири)

(**Давоми. Бошланиши 1-бетда**).

<b>4-модда. Биржа устави</b>
<p>Биржа уставида куйидаги маълумотлар бўлиши керак: биржанинг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номи, жойлашган ери (почта манзили), электрон почта манзили; биржа устав фондининг (устав капиталининг) миқдори; биржа томонидан чиқариладиган акцияларнинг сони, номинал қиймати, турлари (оддий, имтиёзли); биржа бошқарувининг тузилмаси, биржа кузатув кенгашининг, тафтиш комиссиясининг ва ижроия органининг аъзолари сони, ушбу органларни шакллантириш тартиби, уларнинг ваколатлари.</p> <p>Биржа уставида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.</p>

<b>5-модда. Биржанинг бошқарув органлари</b>
--

Биржа акциядорларининг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи биржанинг бошқарув органларидир.

Биржа акциядорларининг умумий йиғилиши биржанинг кузатув кенгашини (бундан буён матнда биржа кенгаши деб юритилади) сайлайди.

Биржа кенгашининг ваколатларига куйидагилар киради: биржани ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш;

биржа савдоси қоидаларини тасдиқлаш; биржа аъзолигига қабул қилиш, аъзоликни тўхтатиб туриш, тугатиш тартибини тасдиқлаш; биржа фаолияти устидан назоратни амалга ошириш; биржа савдоси қоидаларини бузганлик учун жарималарнинг миқдорларини ва уларни ундириш тартибини белгилаш;

аъзолик бадалларининг ва биржа томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тўловларнинг миқдорини белгилаш;

тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш фондини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш.

Биржа кенгаши қонун ҳужжатларига ва биржа уставига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин. Жорий фаолиятга раҳбарлик қилиш ваколатлари биржа уставида белгиланадиган биржанинг ижроия органи томонидан амалга оширилади.

<b>6-модда. Биржанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари</b>
--

Биржа: котиrowкалаш, арбитраж, листинг, назорат ва бошқа биржа комиссияларини ташкил этишга; агар биржа товарларининг котиrowкалари (нархлари) биржа томонидан белгиланган чегаравий миқдордан ўзгариб кетса, биржа савдоларини тўхтатишга; қонун ҳужжатларига мувофиқ танлов, ким ошди, кўрғазма-ярмарка савдоларини, давлат харидлари ва корпоратив харидларни ташкил этиш ҳамда ўтказишга; биржа ахборотномалари, маълумотномалари ҳамда бошқа ахборот ва реклама материалларини чиқаришга ҳақли. Биржа қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.
Биржа: биржа савдоларини ташкил этиши; биржа товарларига бўлган талаб ва таклифнинг нисбати асосида уларни котиrowкалашни (уларнинг нархини белгилашни) амалга ошириши; савдо майдончаларида ва секцияларда биржа савдолари ўтказиш жойи ҳамда вақти тўғрисида биржа аъзоларини ўз вақтида хабардор қилиши; тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиши; биржа аъзоларининг ва улар мижозларининг ўзарo мажбуриятларини белгилашни, аниқлаштиришни ҳамда ҳисобга олишни (клиринг), шунингдек банда очилган махсус ҳисобварақлар орқали улар ўртасидаги ўзарo ҳисоб-китобларни амалга ошириши;

биржа, биржа аъзолари ва уларнинг мижозлари пул маблағларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши; мунтазам равишда (ҳафтасига камида бир марта) ўз расмий веб-сайтида биржа товарларининг котиrowкаларини (нархларини) жойлаштириши, шунингдек биржа аъзоларини ҳар бир биржа савдосининг якунлари тўғрисида хабардор қилиб бориши шарт. Биржанинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

<b>7-модда. Биржа фаолияти тушунчаси</b>
--

Биржа фаолияти биржа товарлари бозорини ташкил этиш ва тартибга солишга ҳамда талаб ва таклиф асосида биржа товарларининг нархларини ушбу бозорда шакллантиришга қаратилган фаолиятдир.

<b>8-модда. Биржа фаолиятининг асосий принциплари</b>
---

Биржа фаолиятининг асосий принциплари куйидагилардан иборат: биржа савдоларини ўтказишнинг ошкоралиги ва оммавийлиги; биржа савдоларида нархлар шаклланишининг эркинлиги; биржа битимларини тузишнинг ихтиёрйлиги;

биржанинг барча аъзолари учун биржа савдоларида иштирок этишда шарт-шароитларнинг тенглиги; тузилган биржа битимлари бажарилишининг таъминланиши.

<b>9-модда. Биржалар фаолиятини тартибга солиш</b>
--

Товар-хом ашё ва фонд биржаларининг фаолиятини тартибга солиш ваколатли орган томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда амалга оширилади.

Валюта биржаси фаолиятини тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилади.

<b>10-модда. Биржа товари</b>
-------------------------------

Белгиланган тартибда биржа савдоларига қўйилган муайян турдаги ва сифатдаги товар, шу жумладан ҳосила молиявий воситалар (деривативлар) биржа товаридир.

Ер, ер ости бойликлари, сув, бошқа табиий ресурслар, маданий мерос ва интеллектуал мулк объектлари, ишлар ва хизматлар, хусусий белгили ашёлар, кўчмас мулк, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқаролик муомаласидан чиқарилган мол-мулк биржа товари бўлиши мумкин эмас.

<b>11-модда. Биржа савдолари</b>
----------------------------------

Биржа савдолари биржа томонидан биржа савдоси қоидаларига мувофиқ ташкил этиладиган биржа товари савдоларидир.

Биржа савдолари биржада биржа аъзоларининг барчасига ушбу савдоларда бир вақтда иштирок этиш имконияти берилган ҳолда, марказлаштирилган тарзда электрон шаклда ўтказилади.

<b>12-модда. Биржа савдоси қоидалари</b>
--

Биржа савдоси қоидаларида куйидагилар кўрсатилиши керак:

биржа аъзолари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги низом; биржа аъзоларининг биржа савдоларида иштирок этишига рухсат бериш тартиби; товарларни биржа савдоларига қўйишга рухсат беришни амалга ошириш тартиби; биржа битимларининг турлари; биржа савдоларида муомалада бўладиган ҳосила молиявий воситаларнинг (деривативларнинг) тавсифи; тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш тартиби; биржа савдоларини ўтказиш тартиби; биржа битимларини ва биржа савдолари натижаларини рўйхатга олиш ҳамда расмийлаштириш тартиби; клиринг ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби; биржа товарларини котиrowкалаш (уларнинг нархини белгилаш) тартиби; биржада нархларнинг шаклланиш жараёни устидан назорат қилиш тартиби; биржа савдолари тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш тартиби; биржа савдоси қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қоидалар; биржада низоларни ҳал этиш тартиби. Биржа савдоси қоидаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа қоидалар ҳам кўрсатилиши мумкин.

<b>13-модда. Биржа аъзолари</b>
---------------------------------

Биржа томонидан белгиланган тартибда биржа савдоларида иштирок этиш ҳамда дилерлар, маркет-мейкерлар ва брокерлар сифатида биржа битимларини тузиш ҳуқуқини олган юридик шахслар биржа аъзоларидир.

Биржа битимларини ўз номидан ва ўз ҳисобидан тузувчи биржа аъзоси дилердир. Биржа товарлари нархларининг, талаб ва таклифнинг даражасини сақлаб туриш учун ўз зиммасига биржа битимларини тузиш мажбуриятини олган дилер маркет-мейкердир.

Мижознинг топширигига кўра ва унинг ҳисобидан биржа битимларини тузувчи биржа аъзоси брокердир.

Дилер ва брокер вазифалари биржанинг битта аъзоси томонидан қўшиб амалга оширилшига йўл қўйилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари биржа аъзолари бўлиши мумкин эмас, валюта биржаси бундан мустасно.

Биржа аъзолари биржа савдоларида уларнинг номидан биржа битимлари тузишга ваколатли бўлган ўз ходимлари (трейдерлар) орқали иштирок этади.

<b>14-модда. Биржа аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари</b>
--

Биржа аъзолари: биржа савдоларида иштирок этиш ва биржа битимларини тузиш; биржа комиссиялари фаолиятида иштирок этиш; биржа савдоси қоидаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш; биржа томонидан тақдим этиладиган хизматлардан фойдаланиш; ҳар бир биржа савдосининг якунлари тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқига эга.

Биржа аъзолари қонун ҳужжатларига ва биржа савдоси қоидаларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Биржа аъзолари: биржада ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига ва биржа савдоси қоидаларига мувофиқ амалга ошириши; мижозга унинг ман­фаатларини кўзлаб тузиладиган биржа битимлари, шунингдек унинг топшириклари бажарилиши билан боғлиқ тўлиқ ахборотни ўз вақтида тақдим этиши; биржага ўзларининг биржа савдоларида иштирок этганлиги ҳамда биржа битимларини тузганлиги билан боғлиқ тўлиқ ахборотни ўз вақтида тақдим этиши; мижоз билан шартнома тузаётганда уни биржа савдоси қоидалари ҳамда клиринг ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш шартлари билан таништириши; ўз ҳисобидан ва мижознинг ҳисобидан тузилган биржа битимларининг алоҳида ҳисобини юритиши; ўз мижозлари пул маблағларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши шарт.

Биржа аъзоларининг зиммасида қонун ҳужжатларига ва биржа савдоси қоидаларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

<b>15-модда. Биржанинг котиrowкалаш varaғи. Товарни биржа савдоларига қўйишга рухсат беришни амалга ошириш</b>
--

Дастлабки кўздан кечиришни талаб этмайдиган, сифат кўрсаткичлари ўзгармаслиги ва биржа битимлари мунтазам равишда тузилиши билан тавсифланадиган, биржа савдоларига қўйилган муайян турдаги товарлар рўйхати биржанинг котиrowкалаш varaғидир.

Товарни биржа савдоларига қўйишга рухсат беришни амалга ошириш куйидаги тартиб-таомилларни ўз ичига олади, қимматли қоғозлар бундан мустасно:

товар ишлаб чиқарувчининг ёки етказиб берувчининг товарни биржанинг котиrowкалаш varaғига киритиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш; товарнинг ушбу Қонуннинг 10-моддаси ва мазкур модданинг биринчи қисми талабларига мувофиқлигини текшириш;

товарнинг ликвидлигини баҳолаш;

товарни биржанинг котиrowкалаш varaғига киритиш ва уни биржа аъзоларига етказиш.

Қимматли қоғозларни биржа савдоларига қўйишга рухсат беришни амалга ошириш (биржа листинги) куйидаги тартиб-таомилларни ўз ичига олади:

қимматли қоғозлар эмитентининг ўз қимматли қоғозларини биржанинг котиrowкалаш varaғига киритиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш;

қимматли қоғозлар эмитентининг молиявий ҳолатини баҳолаш;

қимматли қоғозларни биржанинг котиrowкалаш varaғига киритиш ва уни биржа аъзоларига етказиш.

Биржанинг котиrowкалаш varaғига киритилган товар биржа савдоларига қўйилган ҳисобланади.

Чет эл валютаси ва давлат қимматли қоғозлари биржанинг котиrowкалаш varaғига товарни биржа савдоларига қўйишга рухсат беришни амалга ошириш ва биржа листинги тартиб-таомилисиз киритилади.

<b>16-модда. Биржа битимлари ва уларнинг турлари</b>
--

Биржа битими биржа томонидан рўйхатга олинган, биржа савдосининг биржада қайд этилган натижаси бўйича тузилган биржа товарига доир олди-сотди шартномасидир. Биржада биржа битимлари, шу жумладан: биржа товарларининг уларни кечиктирмасдан етказиб бериш шарти билан тузиладиган олди-сотди битимлари (форвардлар);

биржа товарини етказиб беришни (етказиб бериш фьючерси) ёки биржа товарини етказиб бермаган ҳолда битим тарафлари ўртасида пул ҳисоб-китоблари амалга оширилшини (ҳисоб-китоб фьючерси) назарда тутадиган, келгусида бажариш мажбурияти билан тузиладиган ҳосила молиявий воситаларнинг (деривативларнинг) олди-сотди битимлари (фьючерслар);

биржа товарларини ёки ҳосила молиявий воситаларни (деривативларни) келгусида сотиб олиш ёҳуд сотиш ҳуқуқи билан тузиладиган ҳосила молиявий воситаларнинг (деривативларнинг) олди-сотди битимлари (опционлар); валюталарни бир вақтда олиш-сотишга доир битимлар бўйича ҳисоб-китобларни муайян муддат ўтгач, аввалдан белгиланган валюта курси бўйича амалга ошириш шарти билан тузиладиган валюталарни бир вақтда олиш-сотишга доир битимлар (валюта своплари);

қимматли қоғозларни муайян муддат ўтгач, аввалдан белгиланган нарх бўйича қайта сотиб олиш шарти билан тузиладиган қимматли қоғозларга доир олди-сотди битимлари (репо) тузилиши мумкин.

Биржада қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа биржа битимлари ҳам тузилиши мумкин.

Биржа битими тўғрисидаги ахборот (биржа товарининг номи, сони, котиrowкаси (нархи), биржа битими тузилган сана бундан мустасно) учинчи шахсларга ошкор қилиниши мумкин эмас. Биржа битими тўғрисидаги ахборот судларга тақдим этилади, суриштирув ва тергов органларига эса, қўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда тақдим этилади.

## Халқ сўзи

ҚАРОР ВА ИЖРО

Бугунги ёшларимизга ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди. Негаки, улар юксак маънавият ҳамда мустақил фикр эгаси, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган баркамол авлод вакиллари сифатида барча жабҳада ўз салоҳиятларини намойён этишмоқда. Бу, албатта, мамлакатимизда истиқболнинг дастлабки йилларидан бошлаб ёшларга яратилаётган имкониятлар, кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор самарасидир.

Ёшларнинг ижтимоий фаоллиги

тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган хизматлар туфайли янада ошмоқда

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сўбатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Хусусан, молия муассасалари мазкур қарорда белгиланган вазифалар, шунингдек, ўзларининг ижтимоий-иқтисодий ваколатидан келиб чиққан ҳолда, йигит-қизларга имтиёзли ва қулай шартларда кредитлар тақдим этмоқда.

«Ўзсаноатқурилиш-банк» акциядорлик тижорат банкида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Банклар ассоциацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида шулар ҳусусида сўз юритилди.

жорий қилинган кўпчиликка манзур бўлмоқда. Тижорат банклари томонидан, шунингдек, талабаларга таълим кредитлари ажратиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг январь — август ойларида 8882 нафар талабага 26,5 миллиард сўмлик кредит тақдим этилгани бунинг тасдиғидир.

Хозирги кунда «Камолот» ЁИҲ билан ҳамкорликда амалга оширилаётган «Камолот» уйлари қуриш лойиҳаси доирасида эса республикамиз бўйича 50 та «Камолот» уйи барпо этилмоқда. Бунинг учун банкларнинг 103,4 миллиард сўм миқдоридagi маблағи йўналтирилган. Умуман, жорий йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 8,5 триллион сўм, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш учун 8 триллион сўмликдан ортиқ инвестицион кредитлар ажратилиши режалаштирилгани ортимида минглаб қўшимча иш ўринлари яратилишидан далолатлар. Бу эса мамлакатимиз аҳолисининг яримдан кўпини ташкил этувчи ёшларга ўзлари хоҳлаган йўналишда меҳнат қилишлари учун кенг имкониятлар эшигини очиб, шубҳасиз,

Дилшод УЛУҒМУРDOB, «Халқ сўзи» мухбири.

Имтиёз ва имкониятлар самараси

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, хусусан, уларга солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар борасида берилган имтиёзлар ҳўжалик юритувчи субъектларнинг жадал ривожланиши, истеъмол бозорини рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Буни, жумладан, Наманган вилоятидаги корхоналар фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

ИСЛОХОТ

Хусусан, бундан икки йил аввал давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган «Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор ҳўжалик юритувчи субъектларнинг истиқболли режаларига қанот бағишлади. Чунончи, вилоятда айни йўналишда фаолият кўрсатаётган 70 дан ортиқ корхонага биргина ўтган йил давомида фойда, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи, мажбурий ажратмалар ҳамда бошқа тўловлардан салкам 20 миллиард сўм миқдоридa имтиёз берилди. Улар орасида Наманган шаҳридаги «Ўзчасис», «Наманган шарбати», Косонсой туманидаги «Баркас текс», Поп туманидаги «Попфен», Уйчидаги «Мега текстиль» сингари қўшма корхоналар бор. Экспорт фаолиятидаги иштироки молиявий қўллаб-қувватланган мазкур субъектларда тежалган маблағ ишлаб чиқаришни ривожлантириш, жумла-



дан, янги техника ва технология сотиб олиш, ижтимоий ма-салааларни ҳал этишга йўналтирилди. Солиқ имтиёзлари билан боғлиқ имкониятлар самараси саноатнинг бошқа йўналишларида ҳам қузатилади. Мисол учун, Президентимизнинг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшим-

ча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қароридa гўш ва сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарга 2016 йил 1 январьгача ягона солиқ тўлов ставкасини 50 фоизга камайтириш шаклида имтиёз берилган. Наманган туманидаги «Silver max

тиб олишга йўналтирди. Мазкур тумандаги «Иқбол» масъулияти чекланган жамияти ҳам солиқ имтиёзи туфайли иқтисод қилинган маблағ эвазига технологик янгиланиш тадбирларини амалга оширди.

— Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар соҳасидаги бу сингари имтиёзлар ишбиланмонлар учун чинакам рағбат бўлмоқда, — дейди вилоят давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Адхамжон Маҳмудов. — Биргина бу эмас, балки имтиёзларнинг бошқа кўринишлари ҳам уларни янада эмин-эркин ишлашга чорляпти. Мисол учун, кичик бизнес субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини солиқ текширувларида ўтказишга нисбатан қўйилган муддат 2017 йилнинг 1 январига қадар узайтирилгани тизимдаги корхоналар учун қўшимча имконият бўлди.

Дарҳақиқат, иқтисодиётимиз ривожий йўлидаги ислохотлар, аввало, ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш орқали истеъмол бозорининг тўқилиши, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга йўналтирилгани билан эътиборга молик. Буни, қоридa таъкидлаб ўтилганидек, солиқ соҳасидаги имтиёзлар натижасида юзага келаётган имкониятлар самараси ҳам тасдиқлайди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«RESPUBLICA MULK MARKAZI» ЁАЖ
Бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибидa ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.
Аукцион савдосига «Ипотека-банк» Тошкент вилояти амалиёт бошқармасининг 2014 йил 10 сентябрдаги 37/2575-сонли буюртма хатига асосан, амалиёт бошқармасига тегишли, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Ширин кўчаси, 40-ўйда сақланаётган «ГАЗ-3102-121» русумли, давлат рақами 01/164 КСА бўлган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 14 667 099 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 14 октябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.
Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2014 йил 10 октябрь куни соат 18.00.
Автотранспорт воситаси 2014 йил 14 октябрдаги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 22 ва 29 октябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш 22 октябрдаги савдолар учун — 20 октябрь куни соат 18.00,
29 октябрдаги савдолар учун — 27 октябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.
Аукцион савдоси голиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.
Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.
Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамий кўчаси, 1-«А» уйи.
Телефон: (8-371) 228-79-52. www.rmm.uz
Гувоҳнома № 006231.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Наманган вилояти филиали
Бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибидa ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.
Аукцион савдосига Норин тумани СИБ томонидан Наманган вилояти Хўжалик судининг 2012 йил 20 декабрдаги 16-1202/18169-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Норин тумани, Ҳаққулбод шаҳарчаси, Бобур номили МФИда жойлашган, «Норин тумани бош пиллохонаси» МЧЖга тегишли блок-бостирма бино-иншоотлари, қурилиш ости майдони 1242,36 кв.м., фойдаланиш майдони 1235,22 кв.м., пилла сақлаш бостирмаси, қурилиш ости майдони 1046,07 кв.м., фойдаланиш майдони 1012,57 кв.м., металл бостирма, қурилиш ости майдони 601,8 кв.м., фойдаланиш майдони 601,8 кв.м., мавсумий ишчилар хонаси, қурилиш ости майдони 74,23 кв.м., фойдаланиш майдони 61,34 кв.м., қорапўчоқ бостирмаси бино-иншоотлари, қурилиш ости майдони 290,4 кв.м., фойдаланиш майдони 273,76 кв.м. бўлган бино-иншоотлар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 150 263 740 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 30 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2014 йил 26 сентябрь куни соат 18.00.
Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АИТБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.
Савдо ўтказиладиган манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават.
Телефон: (8-369) 227-97-01. www.1kms.uz
Хизматлар лицензияланган.

«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ
мулк бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибидa ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.
1. Бухоро шаҳар суд департаменти томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2010 йил 2 августдаги 38/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Гулчорбоғ кўчасида жойлашган тураржой биноси.
Бошланғич баҳоси — 675 942 871 сўм.
2. Бухоро шаҳар суд департаменти томонидан Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2013 йил 11 декабрдаги 1-441-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро вилояти, Когон тумани, «Тутқунда» ҚФЙ ҳудудида жойлашган «Армометалл» ҚК МЧЖ балансида мавжуд бўлган асосий воситалар, ускуналар ва бино-иншоотлар мажмуаси.
Бошланғич баҳоси — 230 993 557 сўм.
Ушбу кўчмас мулклар бўйича савдолар 2014 йил 29 сентябрь куни соат 11.00 да ўтказилади.
Мазкур кўчмас мулклар 2014 йил 29 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2014 йил 14 октябрь куни соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан қичариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биносидa бўлиб ўтади.
Хизматлар лицензияланган.

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ
Бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибидa ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.
Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани СИБ томонидан 2013 йил 27 декабрдаги 2-195/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган:
Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, «Янги овул» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, бошланғич баҳоси — 190 947 725, 10 сўм, қурилиш ости майдони 1195,11 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 468,26 кв.м. бўлган қўй кўра бино-иншоотлари ва Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, «Думалок» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, бошланғич баҳоси — 305 488 720,35 сўм, ер участкасининг умумий майдони 0,088 гектар, қурилиш ости майдони 743,86 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 925,86 кв.м. бўлган «Феруза» номли тўйхона гузари бино-иншоотлари қўйилмоқда.
Аукцион савдоси 2014 йил 30 сентябрь куни соат 12.00 да ўтказилади.
Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани СИБ томонидан 2013 йил 17 июлдаги 4260-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, «Янги овул» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, участканинг умумий майдони 11,29 гектар, қурилиш ости майдони 3869,95 кв.м. бўлган сўт-товар фермаси бино-иншоотлари қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 700 000 000 сўм.
Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани СИБ томонидан 2014 йил 19 июлдаги 3424-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, «Чимёй» ҚФЙда жойлашган, фойдаланиш майдони 145,17 кв.м., қурилиш ости майдони 94,60 кв.м. бўлган 2 қаватли коттеж биноси қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 284 446 973 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 3 октябрь куни соат 12.00 да ўтказилади.
Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланғичидан бир кун олдин тўхтатилади.
Аукцион савдоларида катнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Мировод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.
Хизматлар лицензияланган.
Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй.
Телефон: (8-371) 254-69-13.

# Спорт

Даниянинг Копенгаген шаҳрида фахрийлар ўртасида оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди.

## Ҳамюртимиз — жаҳон чемпиони

ОҒИР АТЛЕТИКА



Мазкур нуфузли мусобақада 45-49 ёшли оғир атлетлар ўртасида имкониятини синая кўрган ҳамюртимиз Вячеслав Брюхов олтин медалга сазовор бўлди. Спортчимиз штангани даст кўтаришда 120, силбат кўтаришда 160, иккикураш бўйича 280 килограмм натижани қайд этди. Бу орқали тажрибали атлетимиз кумуш медал совриндори, Германиялик Йенс Каббе кўрсатган натижадан нақд 29 килограмм зиёд оғирликни бўйсундирди.

## Қитъа биринчилигидаги ажойиб ғалаба

Хитой Тайпейда академик эшак эшиш бўйича ўсмирлар ўртасида ташкиллаштирилган Осиё чемпионатида ҳамюртимиз Шаҳбоз Холмирзаев кумуш медални қўлга киритди.

ЭШКАК ЭШИШ



Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитасидан маълум қилишларича, истеъдодли ёш спортчимиз 2000 метр масофага яққали қайқларда ўтказилган пойғада 7 дақиқа 40,95 сония натижа билан маррага иккинчи бўлиб етиб келган. Мазкур масофада олтин ва бронза медаллар гонконглик Чан Юк Ман ҳамда Япония вакили Наоки Такадага насиб этди.

## Жаҳонгир Воҳидов — халқаро гроссмейстер

Ўзбекистонлик шахматчилар орасида халқаро гроссмейстер талабини бажарган спортчилар сафи яна кенгайди.

ШАХМАТ



Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитасидан маълум қилишларича, Халқаро шахмат федерацияси — FIDE кўплаб нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган ўн тўққиз ёшли спортчимиз Жаҳонгир Воҳидовга халқаро гроссмейстер унвонини бериш тўғрисида қарор қабул қилган.

Умидли спортчимиз 16 ёшида халқаро спорт устаси талабини бажарган эди. Орадан уч йил ўтиб у халқаро гроссмейстер бўлди. Шу тариқа ўзбекистонлик халқаро гроссмейстерлар сони ўн бир нафарга етди.

Эътиборли жиҳати, Жаҳонгирнинг отаси Тоҳир Воҳидов ҳам шахмат бўйича халқаро гроссмейстердир.

## Ўсмирларимиз чорак финалда

Шу кунларда Таиланда футбол бўйича ўн олти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати баҳслари бўлиб ўтмоқда.

ФУТБОЛ



Мусобақада ўн олти юрт терма жамоаси тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда совринли ўринлар ҳамда келаси йили Чилида ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг тўрт йўлнамаси учун кураш олиб бормоқда.

Турнирнинг "С" гуруҳидан жой олган ўзбекистонлик ўсмирлар дастлабки турда непаллик рақибларига қарши майдонга тушиб, дуранг (1:1) натижа қайд этган эди. Навбатдаги турда вакилларимиз ҚХДР ёш футболчилари устидан 3:2 ҳисобида ғалабага эришди. Гуруҳ bosқичидаги сўнгги беллашувни кувайтлик тенгқурларига қарши ўтказган ҳамюртларимиз янада йирик-роқ ҳисобда муваффақият қозонди — 4:2.

Шу тариқа уч ўйинда 7 очко жамғарган футболчиларимиз гуруҳ пешқадами сифатида чорак финал bosқичига йўл олди. Ушбу кватретада иккинчи ўрин ҚХДР ўсмирлар терма жамоасига насиб этди.

Бошқа гуруҳларда юқори натижаларга эришган Жанубий Корея, Малайзия, Австралия, Япония, Эрон ва Сурия терма жамоалари ҳам кейинги bosқич масаласини ҳал қилишди.

Вакилларимиз энди 14 сентябрь кuni Сурия ўсмирлар терма жамоасига қарши кечадиган ўйинда ярим финал ва жаҳон чемпиони йўлнамаси масаласини ҳал қиладилар.

Фозилдин АБИЛОВ тайёрлади.

# Ҳазинага айланаётган саҳифалар

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нафақат мамлакатимиз, балки минтақамиздаги энг йирик маънавий максадан бири саналади. Мазкур зиё масканида бугунги кунда етти миллион нусхага яқин китоблар мавжуд.

## МАЪНАВИЯТ

Президентимизнинг 2012 йил 20 мартдаги "Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот-ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, ушбу маскан замонавий, маҳаббатли ва кўркам бинога эга бўлди. Нобҳ архитектурани ўзида мужассамлаштирган мазкур муаззам иншоотда халқимизнинг маънавий мулкни асраб-авайлаш, уни келажак авлодга бус-бутун етказиш учун барча қулайлик яратилган. Хусусан, кутубхона фондида XV — XIX асрларда chop этилган нашрларнинг 250 мингдан ортиқ нусхалари авайлаб сақланмоқда.

Ахдодаларимиз яратиб кетган улғу ва кўламли маънавий мероддан юртдошларимизни, хусусан, ёшларимизни янада тўлиқроқ баҳраманд этиш мақсадида қадимий кўлэзма ва камёб китобларнинг электрон мўқобили яратилди.

Маълумки, юртимизда эски кўлэзмалар, нодир китоб ва бошқа осориатикаларни ўз бағ-

рида сақлаётган давлат кутубхоналари, музейлар ва архив муассасалари талайгина. Миллий кутубхона улар билан ҳамкорликда турли даврларга oid китобларнинг электрон каталогини тузиш, нашрларнинг тўлиқ матнли электрон маълумотлар хазинасини яратиш устида ҳам амалий саъй-ҳаракатлар олиб борапти.

Энг муҳими, кутубхонада китобхоналарга замонавий ва сифатли хизмат кўрсатиш учун барча имконият яратилган. Етти юз ўринли 11 ўқув зали илгор технологиялар асосида жиҳозланган бўлиб, Wi-Fi тизимга эга. Ҳозиргача кутубхонага 87000 нафардан зиёд фойдаланувчилар аъзо бўлган.

"Ўзбекистон", "Адолат", "Истиқбол", "Жаҳон" ўқув залларида ўқувчилар китоб жавонлари ора-лаб, ўзига зарур китоблардан фойдаланиши, шунингдек, янги олинган адабиётлар билан яқиндан танишиши мумкин. Китобларга ўрнатилган махсус чиплар хавфсизликни таъминлаш билан бирга, уни тезда топиш



вазифасини ҳам бажаради.

"Илм" ўқув залида истиқлол йилларида ҳимоя қилинган 13 мингдан зиёд номзодлик ва докторлик диссертацияларнинг тўлиқ электрон шакли сақланади. Шунингдек, барча ўқув залида Президентимиз асарлари, турли энциклопедиялар, сиёсий, илмий, оммабоп, бадий асарларнинг электрон нусхалари билан танишиш имконияти бор.

"Жаҳон" деб номланувчи хорижий адабиётлар ўқув залида эса инглиз ва бошқа чет тиллари нима мукамал ўрганиш учун кўплаб адабиётлар мавжуд. Масалан, бу ерда TOEFL, IELTS, GRE, GMAT, SAT, LSAT, MCAT, ACT ва бошқалардан очик фойдаланса бўлади. Шу билан бирга,

Proquest, Ebsco Publishing, Jstor, Aluka, Elibrary, PressDisplay каби хорижий илмий-таълимий электрон базалардаги тўлиқ матнли китоб ҳамда даврий матбуот нашрлари билан танишиш мумкин.

Зиё масканимизда ҳафтанинг хар чоршанба кuni "Маънавият кuni" деб эълон қилинган. Унда, асосан, юртимизнинг илм-фан, санъат ҳамда адабиёт намондалари иштирок этиб, китобхонлик ва унинг аҳамияти тўғрисида суҳбатлар ўтказишади.

Айтиш жоизки, ахборот-кутубхона фаолиятини тўлиқ автоматлаштириш, янги хизмат шакллари хорижий қилиш, фойдаланувчиларга масофадан хизмат кўрсатиш ва ягона йиғма электрон каталог ёрдамида барча а-

борот-кутубхона муассасаси фондлари орқали хизмат кўрсатиши татбиқ этиш мақсадида турли ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, Польша миллий кутубхонаси, Қозоғистон миллий академик кутубхонаси, Миср Араб Республикасининг Искандария кутубхонаси, Озарбайжон миллий кутубхонаси, Латвия миллий кутубхонаси, Туркменистон миллий маданият марказининг Миллий кутубхонаси билан олиб борилган алоқалар муҳим аҳамият касб этапти.

Ўтган йил давомида фойдаланувчиларга кўплаб қулайликлар яратиш мақсадида еттига техник лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, "ISBN, ISSN ва УЎК, КБК" рақамларини бериш" интерактив онлайн хизмати, "Нодир нашр ва кўлэзмалар маълумот базасини яратиш, сақлаш ва аниқ тақдим қилиш жарағини автоматлаштириш", "Миллий кутубхонанинг ягона базаси асосида китоб ва журналларнинг статистик ҳисоботини автоматлаштириш", "Диссертация ва илмий ишларнинг ягона базаси", "Шахсий кабинет", "Имиж каталог" каби дастурлар фаолиятини самарадорлигини оширяпти.

Албатта, режаларимиз кўп. Буларнинг барчаси илгарақ чанқок, ўз соҳасининг етуқ мутахассиси бўлиб етишаётган йигит-қизларимизнинг билим ва салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади. Зеро, буюк келажак ҳар томонлама кенг фикрловчи, дунё илм-фанининг чуқур билимдонлари бўлган ёшлар кўлидадир.

Унида ТEШАБEОВА, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори ўринбосари.

## Эзгулик мангу яшайди

Ота — фарзанднинг суяган тоғи. Шунинг учун бўлса керак, бола хар доим отага ўхшашга, унинг йўлидан юришга ҳаракат қилади.

Албатта, бунда oilавий муҳит, ўзаро ишонч, юксак маънавий муносабатлар уйғунлиги жуда муҳимдир.

Алишер Навоий номидаги киносароида тақдимо-ти ўтказилган "Ота" бадий фильмида оталик масъулияти, унинг фарзанд тарбиясидаги ўрни хусусида фикр юритилади.

## КИНО

Айтиш керакки, "Ўзбекино" миллий агентлиги ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг онгу шуурида миллий ва умуминсоний қадриятларни қарор топтиришдек олижаноб гоғларга йўрилган қатор бадий фильмларни юртдошларимизга намойиш этиб келаяпти.

Чунончи, "Ота" фильмида ҳам халқимизнинг инсонпарварлик, меҳр-оқибат, бегаразлик ва эзгулик каби хислатлари тасвирга олинган.

Фильмининг бош қаҳрамонлари — Собир ака ва унинг ўғли Муроджон. Ота узоқ муддатли айрилиқдан сўнг oilаси бағрига қайт-

гач, кенжа ўғлининг автохалокат туғайли ногирон бўлиб қолганини кўради. Юрак-бағри эзилиб, ўйга толади, вақтида жигарбанднинг тарбиясига беътибор бўлгани, гамаҳўрлик кўрсата олгани туғайли мана шундай қурғилликлар oilаси бошига тушганини англаб етади. У фарзандига ниҳоятда кераклигини ҳис қилади. Шу боис ногирон ўғлида ҳаётга муҳаббат ўтини алангалатиш учун юртимиз бўйлаб сафарга чиқади. Бири-биридан гўзал гўшаларни томоша қилиб, ўзи сингари оддий, самимий инсонлар билан суҳбатлар қуради.

Уларнинг инсонпарварлиги, олижаноблигини кўриб қатъий хулосага келади: эзгулик ҳеч қачон исзис кетмайди, у одамларнинг юрағида мангу яшайди.

"Ўзбекино" Миллий агентлиги буюртмаси асосида "Ўзбекфильм" киностудиясида суратга олинган "Ота" фильмининг сценарий муаллифи ва постановкачи режиссёри Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Абдуҳали Менгноровдир. Бош роллари Карим Мирходиев, Фотиҳ Очиллов каби бир қатор истеъдодли актёрлар ижро этган.

Дилмурод СОДИКОВ.

## ЭЪЛОНЛАР

### «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ томонида стратегик инвесторларга таклиф

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ балансидаги қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, стратегик инвесторларга сотиш учун ҳамкорликда ишлашга таклиф этади:

- «Samarqand Pure Aqua» МЧЖ — табиий тоза газланган ва газланмаган сув ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. **Корхона манзили:** Самарқанд шаҳри, Бобур Мирзо кўчаси, 3-«А» уй.
  - «Fergana Ceramics Industry» МЧЖ — чинни буюмлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. **Корхона манзили:** Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй.
  - «Xorazm shisha idishlari» МЧЖ — шиша идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. **Корхона манзили:** Хоразм вилояти, Шовот тумани, Ижтимоий қишлоғи.
  - «Elite Stars Textile» МЧЖ — пахта толасидан калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. **Корхона манзили:** Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани, Дўстлик кўчаси, 55-уй.
- Маълумот учун «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаментининг Ночор корхоналар билан ишлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин.
- Манзил: Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 3-уй. Телефонлар: (8-371) 120-36-04, (+99890) 969-90-98. Факс: (8-371) 120-45-64, 120-36-29. E-mail: info@uzpsb.uz Веб-сайт: www.uzpsb.uz**

**«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Андихон вилояти филиали**

**бошланғич баҳоси bosқичма-bosқич oшиб бoриш тартибида ўтказиладиган такрорий очик аукцион savдосига таклиф этади.**

Аукцион savдосига Булоқбoши тумани СИБ томонидан Андихон вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 5 майдаги 17-1405/2154-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Булоқбoши тумани, «Майарик» ҚФЙда жойлашган, қурилиш oсти майдони 2487,27 кв.м., фойдаланиш майдони 2443,39 кв.м. бўлган «Пилла» давлат корхонаси бино-иншоотлари қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 263 221 300 сўм.**

Аукцион savдоси 2014 йил 2 октябр кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг oхирги муддати — 2014 йил 30 сентябрь кuni соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'snmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Андихон вилояти филиалининг Андихон шаҳар АТ «Савдогар» банкидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609005, МФО: 00081, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Андихон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уй, 105-хона. Телефон: (8-374) 228-47-62. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

Қамаши туманидаги "Asad-Qara-Balandchayla" фермер хўжалигида Испаниядан келтирилган олхўрнинг янги нави ҳосилга кирди.

## Шакарсиз мураббо

Эътиборлиси, айни пайтда бу ерда жануб гўзали ва элита деб номланувчи олхўрнинг ташқари, ўрикнинг шалок, шафтолининг

ши, мевасининг ширага бойлиги билан ажралиб туради. Қолаверса, бу дарахт меваларидан мураббо ва киём тайёрлаш учун шакар талаб қилинмайди. Фермер хўжалиги аъзоларининг таъкидлашича, Қашқадарёнинг иссиқ иқлим шароитига тез мослашган испан олхўрсининг меваси ўз ватанидигидан ҳам кўра ширали ва мазали эканлиги хорижий сайёҳлар томонидан эътироф этилмоқда.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Републикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан, эғалигида солиқ солинадиган мол-мулк ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиғини тўлаш муддатлари ҳисобот йилининг 15 октябргача этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик суд тартибида мажбурий ундирувга қаратилади.

Шундай экан, мол-мулк ва ер солиғини 2014 йил 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутман!

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»**

**ЭЪЛОНЛАР**

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача  
**232-11-15,  
236-09-25.**

E-mail: reklama@xs.uz

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 79 206 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган кўлэзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев. Навбатчи — Д. Содиқов. Мусахҳач — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.20 Топширилди — 02.40 1 2 3 4 5

## Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси